




O'ZLiDeP



АХШР

IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

– Ҳокимлар, кластерлар ва тўқимачилик корхоналари раҳбарлари бир нарсани билиши керак. Ҳозирги шароитда бюджетга 1 сўм қўшимча тушум қилиш қанча қийин бўлаётганини тушунган тушунади. Бугун айтилган қўллаб-қувватлаш чораларини пулга чақса, 7 триллион сўм бўлади. Энди шунга яраша натижа ҳам бўлиши керак!

O'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

ЯРИМ ЙИЛЛИК ТАҲЛИЛ ВА ЯНГИ ВАЗИФАЛАР



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг 2025–2029 йилларга мўлжалланган сайловолди

дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш юзасидан шу йилнинг биринчи ярим йиллигида олиб борилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

2



НАВОИЙЛИК САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

O'ZLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИ, ПАРЛАМЕНТ ҚҲҲИ ПАЛАТАСИДАГИ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ РАҲБАРИ АКТАМ ХАЙТОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ИШЧИ ГУРУҲ АЪЗОЛАРИ КЕЧА НАВОИЙ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.

Навоий шаҳридаги кичик саноат зонаси ҳудудида жойлашган “Гидростанко сервис” корхонасида саноатчилар ва тадбиркорлар билан мулоқотда партия етакчиси ўз фаолиятини кенгайтириб, аҳоли даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлашга улкан ҳисса қўшаётган соҳа вакилларининг ютуқларини эътироф этди.

Вилоят марказидаги “Profi university” да ўтказилган учрашувда партиянинг мақсад ва гоёлари ҳақида батафсил сўз юритилди. Сиёсий куч барча соҳада тадбиркорлар улушини янада ошириш орқали корхона ва муассасалар ўртасидаги ҳалол рақобатни юзага келтириш ва бу орқали барқарор ўсишни таъминлаш тарафдори эканини айтди.

Шунингдек, вилоятдаги фермерлар билан кечган юзма-юз мулоқот ўзига хос мунозара майдонига айланиб кетди. Машаққатли меҳнат эгаларининг тақлиф ва муаммоларини тинглаган ишчи гуруҳ аъзолари, ўз навбатида, уларнинг фаолият ва имкониятларини ҳам ўрганишди. Зарур маслаҳатларини беришди. Учрашувлар давом этмоқда.

O'zLiDeP матбуот хизмати

БУГУНГИ СОНДА

ДАЛАДАН
ДАСТУРХОНГАЧА:
ҳалол меҳнат –
барака манбаи

3



БИР ЮРТ – БИР ОИЛА
ёхуд миллатлар бирлиги
даргоҳи

5



ЯНГИЛИККА
вақт ва имкон бериш
керак эмасми?

5



ЎҚУВЛАР ТЎХТАМАЙДИ

O'zLiDeP ҳудудий кенгашлари вакилларининг сиёсий ва профессионал малакасини ошириш бўйича ўтказилган ўқувларнинг илк босқичи пойтахт туманлари кесимида ниҳоясига етди.

Машғулотларда илғор тажриба ва амалиёт, партия ходимларининг интернет билан ишлаши, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари фаолияти сифатини кўтариш, сайловчилар ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал этиш ва мурожаатларга тезкорлик билан жавоб бериш механизмлари, партия низоми талабларининг бажарилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Ўқувлар бошқа вилоятларда ҳам давом этади.

Ўз мухбиримиз

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ чоралари белгиланмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Агроф-мухитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йилда амалга оширишга оид давлат дастурининг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси юзасидан ҳисоботи кўриб чиқилди.

Депутатлар партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат дастурининг иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган қисмига алоҳида эътибор қаратди. Мамлакатимиз барқарор иқтисодий ўсиш йўлида аниқ натижаларга эришяётгани таъкидланиб, ҳисоботда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани изчил ривожлантиришни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар батафсил баён қилинган қайд этилди.

Ақтам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси раҳбари:

– Давлат дастурининг 2025 йил биринчи ярим йиллик ижроси бўйича ҳисоботи ярим йилда катта ижобий натижаларга эришилганини кўрсатади. Дастурнинг 224 та банди тўлиқ ижро этилди. Барча ишлар иқтисодиётни ривожлантириш, инсон салоҳиятини ошириш,

сув тежамкорлиги, давлат бошқарувини ихчамлаштириш ва хавфсиз ҳаётни таъминлаш каби беш муҳим йўналишда амалга оширилган. Эътибор беринг, илк бор ярим йилликда ялпи ички маҳсулот 7,2 фоизга ўсди ва ҳажми 62 миллиард доллардан ошди. Бу Президентимиз белгилаб берган 2030 йилга қадар ЯИМни 200 миллиард долларга етказиш вазифасини амалга ошириш борасидаги тизимли ишларнинг ёрқин натижасидир. Экспорт ҳажми ярим йилликда биринчи марта 10 миллиард доллардан ошгани ҳам эътирофга лойиқ. Ёшларга қаратилган эътиборни алоҳида қайд этиш жоиз. "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турган, қийин аҳволдаги қарийб 40 минг нафар ёшга 122 миллиард сўм ажратилди. Меҳнат бозорига ёшлар оқими ортиб бораётган бир пайтда бу жуда муҳим қадам.

Давлат раҳбари ташаббуси асосида ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат олдида катта вазифалар турибди. Бу йўналишдаги ишлар йилнинг иккинчи ярмида изчил давом эттирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Давлат дастурининг биринчи ярим йилликдаги ижроси юзасидан ҳукумат ҳисоботи

тини тўлиқ қўллаб-қувватладик, тавсияларимизни билдирдик. Дастур ижроси юзасидан ҳукумат идоралари билан фаол ҳамкорликда ишларни давом эттирамиз.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган – тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Лойиҳа билан амалдаги 2 та кодекс ва 3 та қонунга тадбиркорларга энгилликлар беришга қаратилган бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибини соддашлатириш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда тадбиркорлик субъектларига фойда солиғи ва мол-мулк солиғидан имтиёзлар бериш кутилляпти. Бундан ташқари, давлат муассасаси шаклида тузилган худудий яйлов ҳўжаликларининг доимий фойдаланишдаги яйлов ерларини ер солиғидан озод қилиш назарда тутилляпти.

Шунингдек, энгил саноат ва хизматлар соҳасини, ипотека бозори ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва креатив паркиннинг резидентларини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ имтиёзларини тақдим этиш белгилаб қўйилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари Нуриддин Жабборов, Фирдавс Курбон



ва бошқалар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида фракция аъзолари томонидан берилган қатор таклифлар эътиборга олиниб, ҳужжат матнида акс этганини қайд этилди. Депутатлар лойиҳадаги молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини тугатиш мuddатини 3 йилдан 1 йилга қисқартириш таклифини маъқуллаб, бундай ўзгариш мамлакатда тад-

биркорлик фаоллигини тўғри баҳолаш ҳамда ижобий таъсир кўрсатишини таъкидладилар.

Фракция аъзолари мазкур ҳужжат тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқарилишини кенгайтиришга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни маъқулладилар.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ТАҲЛИЛ ВА ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Мажлиси O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси, партиянинг парламент куйи палатасидаги фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов кириш сўзи билан очиб берар экан, ушбу сиёсий кучнинг сайловолди дастури Президентимиз олиб бораётган ислохотлар билан ҳамма ҳамда, мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашда ўзаро уйғун мақсад ва вазифаларни қамраб олганини таъкидлади.

– Давлатимиз раҳбари томонидан кейинги йилларда илгари суриляётган ташаббуслар, хусусан, инновацияга асосланган ривожланиш, рақамли иқтисодиётни кенг жорий этиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби узоқни кўзлаб амалга ошириляётган устувор мақсад ва вазифалар O'zLiDeP сайловолди дастурининг устувор йўналишларига тўла мос келади, – деди Ақтам Хайтов сўзини давом эттириб. – Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш керакики, партия ўз дастури орқали мамлакатимизда олиб бориляётган изчил ислохотларни тўла қўллаб-қувватлаш билан бирга бу масъулиятли вазифани адо этишда ҳаммиша кўмаклашади. Хусусан, Президентимизнинг яқинда Туркменистонда ўтказилган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясида илгари сурган ташаббусларини нафақат миллий, балки минтақавий аҳамияти юксак эканини эътироф этади.

Таъкидланганидек, партия ўтган ярим йиллик фаолияти давомида давлатимиз раҳбарининг ички ва ташқи сиёсатида ҳамма ҳамда аҳоли билан мулоқот қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва улар учун солиқ юкни камайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратди. Шу йўналишдаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, қонунларни қабул қилишда ҳам электоратимиз манфаатларини қўллаб фаолият юритилмоқда. Дастурнинг халқчиллиги партия аъзолари ва бошланғич партия ташкилотлари сафи кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ўтган ярим йилликда куйи бўғинлар сони 199 тага кўпайиб, аъзолар сони 2 миллион 19 минг нафарга етгани бунинг исботидир.



Абдулло АСЛОНОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Партияимизнинг парламентдаги фракцияси қонун ижодкорлиги йўналишида ўтган ярим йилда 1 та қонун лойиҳасини ишлаб чиққан бўлса, 7 та қонун лойиҳасида ҳамташаббускор сифатида иштирок этди. Мазкур қонунлар тадбиркорлик эркинлигини кенгайтиришдан тортиб, сунъий интеллект, ноширлик фаолияти ва диний соҳадаги давлат сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган. Шу билан бирга, парламент ва депутатлик назорати доирасида вазирлар ва давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди, 21 та депутатлик сўрови юборилди. Шунингдек, фракция аъзолари мамлакатимизни 2025 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида белгиланган муҳим вазифалар-

нинг ижро этилишини ўрганиш бўйича Қонунчилик палатасининг гуруҳлари таркибида бўлиб, жойларда ўрганишлар олиб борди.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида Президентимиз раислигида бўлиб ўтган йиғилишларда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишчи гуруҳлар шакллантирилди. Фракция аъзолари ва маҳаллий кенгашилардаги депутатлик гуруҳи бошланғич партия ташкилотлари вакиллари билан биргаликда маҳаллалар билан ишлаш, аҳоли муаммолари ва мурожаатларини ҳал қилиш, энг чека худудларда тадбиркорликни ривожлантириш борасида Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Андижон ва Хоразм вилоятлари кесимида ўрганишлар олиб борди.

Фермер ва деҳқон ҳўжаликлари фаолияти, қишлоқ худудларида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлар самарадорлиги, кичик саноат зоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнлари ўрганилди. Шунингдек, сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича манзилли дастурлар ижроси, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тизимли ижтимоий муаммоларга оид масалалар муҳокама этилди. Бундан ташқари, давлат-хусусий шерикчиликни кенгайтириш, инвестиция дастурлари ижроси, қурилиш, энергетика, шу жумладан, энерготехамкорлик масалалари, аҳоли пунктларини жамоат транспорт тибан қамраб олиш ҳолати эътибор марказида бўлди.

Маҳаллий кенгашилардаги депутатлик гуруҳларимиз эса 2 581 та депутатлик сўрови юбориб, 1 006 марта ижро органи раҳбарларининг ҳисоботини эшитди, 78 та масала сессияларга киритилди. "Депутат ва тадбиркор мулоқот форуми" ҳамда "Депутат инвесторга мададқор" лойиҳалари орқали тадбиркорларнинг муаммолари ҳал этилди. Шунингдек, ўтган ярим йилликда партия тузилмалари, депутатлар, фаоллар ва экспертлар билан ҳамкорликда 436 марта тадбиркорлар билан учрашув ўтказилиб, 13 мингдан ортиқ бизнес вакиллари қамраб олинди. Уларнинг 8 мингдан зиёди ҳуқуқий ва иқтисодий маслаҳатлар олди, 800 дан ортиқ мурожаат амалда ҳал қилинди, қонунчиликка 70 дан зиёд таклиф тайёрланди. Мурожаатлар билан ишлашда 1 396 та мурожаат кўриб чиқилиб, аксарияти ижобий ҳал этилди.



Гулшана ХУДОЁОВА,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси раисининг
ёшлар ва аёллар масалалари
бўйича ўринбосари,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Аҳоли қатламларига манзилли ёрдам кўрсатишда партия "Аёллар қаноти"нинг ўрни катта. Ярим йилда 1 776 та тадбир ўтказилиб, 69 мингдан зиёд хотин-қиз қамраб олинди. "Ишбилармон аёл" танлови, "Бунёдкор аёллар", "Саломатлик сари", "Фаровон оила" каби лойиҳалар орқали минглаб аёллар ишга жойлаштирилди, кредитлар ажратилди, ажрим ёқасидаги оилалар яраштирилди. Мазкур лойиҳалар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ишсиз аёлларни тадбиркорлик, касб-ҳунарга жалб қилиш, бандлигини таъминлаш, янги ишбилармон хотин-қизларни кашф этишга хизмат қилмоқда.



Маълумки, 2016 йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ишбилармон аёл" лойиҳасига бу йил 10 йил тўлди. Мазкур кўрик-танлов бугунги кунда барча маҳаллаларга кириб борди. Танлов доирасида шу вақт ораллиғида 60 мингга яқин ишбилармон хотин-қизлар кашф этилди ва улар ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари кўрғазмаси билан фаол иштирок этиб келмоқда. Бу йил эса ушбу танлов 15 мингга яқин опа-сингилларимизни қамраб олди. Қувонарлиси, мазкур лойиҳа аҳолига, маҳаллаларга чуқур таъсир этувчи жамоатчилик тадбири сифатида эътироф этилмоқда. Партия сафида алоҳида ишбилармон аёллар мактаби яратилишига пойдевор бўлди, десам муболаға бўлмайд.



Отабекхўжа СОБИТОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси ёшлар бўлими мудири:

– Партияимиз сафига бугунги кунда 2 миллиондан зиёд маслақдошларимиз бир мақсад сари бирлашган бўлса, шуларнинг 60 фоиздан зиёд қисмини 35 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ўз навбатида сиёсий куч томонидан уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллиши учун кенг шариоит яратиб берилмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида ажратилган технологиялари соҳасини ривожлантириш, ёшларга замонавий билим ва кўникмаларни ўргатиш, IT соҳасида янги иш ўринлари яратишга қаратилган партиявий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Қайд этилган даврда партияимиз томонидан ташкил

этилган 272 та ана шундай тадбирда 84 минг йигит-қиз иштирок этди. "Ёш тадбиркорлар лигаси", "Диплом билан бизнесга", "Менинг ғоям" каби лойиҳалар орқали ёшларнинг бизнесга кириш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Хоррижада ёш ватандошлар билан мулоқот ўрнатилиб, "Ватандошлик овози" ва "Ватандошга маслаҳат" лойиҳалари амалга оширилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентига O'zLiDePдан 64 нафар йигит-қиз сайланди. Ёшлар парламенти аъзолари томонидан партия кўмағида 120 нафар уюлмаган ёшчи мавсумий иш билан, 78 нафарини эса доимий иш билан таъминлашга эришилди.

Келгусида партияимизнинг дастурига илгари сурилган ёш тадбиркорлар улусини ошириш, бизнес қилиш истагидагиларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларимизни янада жонлантирамиз. Умуман янги ташаббус "Креатив тадбиркор ёшлар" лойиҳасини ҳаётга жорий этамиз. Бунда 18-30 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг креатив иқтисодиётга оид лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни мақсад қилганмиз. Қолаверса, Ёшлар парламенти фаолиятига сайланган аъзоларимизни соҳавий йўналишлар бўйича мунтазам билим ва малакасини ошириб, депутатлар билан биргаликда худудлардаги фаоллигини кучайтирамиз.

Яна шуни унутмаслик керакики, сўнгги йилларда мамлакатимизда ислохотлар олдинидан-да шиддатли тус олди. Қўллаб соҳаларга замонавий ёндашувлар, халқаро тажрибада ўзини оқлаган қатор янги тизимлар жорий этилмоқда. Бундан қўзланган мақсад "Янги Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгиланган долзарб вазифаларни тез ва сифатли амалга ошириш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, соғлом, билимли ва етук кадрларни тайёрлашдан иборатдир. Шундай экан, партия дастуридаги вазифалар ҳам замон билан ҳамнафас бўлиши талаб этилади. Ана шундан келиб чиқиб, Сиёсий Кенгаши йиғилишида ислохотларнинг бугунги шиддати партияимиз дастурини ўзгаришини тақозо этаётганини қайд этилди.

Йиғилиш кун тартибидagi энг асосий биринчи масала юзасидан Сиёсий Кенгаш аъзолари, парламент депутатлари, партия фаоллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шундан сўнг партиянинг янгилашган дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ таркиби ва вазифалари тасдиқланди.

Йиғилишда муҳокама этилган барча масалалар бўйича қарор қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири.
Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

ФЕРМЕР МИНБАРИ

ДАЛАДАН ДАСТУРХОНГАЧА: ҲАЛОЛ МЕҲНАТ – БАРАКА МАНБАИ

Қишлоқ хўжалиги – халқнинг ҳаёт манбаи, давлатнинг иқтисодий қудрати ва дастурхонимиз файзининг асоси. Юрт равнақи, эл фаровонлиги, ҳар бир хонадоннинг баракаси айнан ердан, уруғдан, меҳнатдан бошланади. Шу боис бу соҳани ривожлантириш, унумдорлигини ошириш ва замонавий технологиялар билан бойитиш мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Буюк бобомиз ҳазрат Алишер Навоий: “Олам аҳлининг тўқлиги, қувончи, аввало, ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонлар меҳнатидандир”, дея деҳқон фаолиятини ҳаётнинг энг улуғ ва шарафли амалларидан бири сифатида улуғлагани бежиз эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам замонавий деҳқон ва фермерларни юртининг иқтисодий таянчи сифатида эътироф этиб: “Деҳқон – ҳаётнинг бақувват устун, тирикликнинг мустаҳкам таянчи”, деб, уларнинг жамият тараққиётидаги беқиёс ўрнини ҳаммиша юксак қадрлайди.

Шундай улуғ сўзлар замирида бир ҳақиқат ётади: деҳқоннинг пешонасидан тўқилган ҳар бир тер томчиси, бу – элнинг қувончи, меҳр бериб парваришлаган ниҳоли – келажакнинг умиди, етиштирилган мўл-кўл ҳосили – давлатимиз мустақиллиги ва иқтисодий барқарорлигимиз пойдеворидир.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида мамлакат миқёсида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиёти таъминини жорий этиш, ер ва мулкдан самарали фойдаланиш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Янги технологиялардан фойдаланиш, суғориш тизимларини модернизация қилиш, уруғчилик ва селекция ишларини тақомиллаштириш ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатини кескин оширди. Бу жараёнда давлатнинг асосий мақсади деҳқон ва фермерни ҳақиқий бозор иштирокчисига айлантириш, уларнинг меҳнатида кўпроқ фойда олиш имконини яратиб берди.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси асосида йил сайин ривожланмоқда. Бунда фермер нафақат маҳсулот етиштирувчи, балки уни қайта ишловчи, сақловчи ва бозорга етказиб беришчи тўлақонли бизнес субъектига айланиши назарда тутилган. Натижада аграр соҳада тадбиркорлик руҳи мустаҳкамланмоқда, ички бозор барқарор озиқ-овқат билан таъминланмоқда ва экспорт салоҳиятимиз ортиб бормоқда.

Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида



Суратда: “Жомбой” фермер хўжалиги бошлиғи Абдурашид САФАРОВ (чапда)

ни мисолида бу борада катта тажрибалар амалга оширилаётганини қувонч билан айтиш мумкин. Масалан, 2025 йилда тумандаги қарийб 500 та фермер хўжалиги томонидан 25,7 минг тонна ғалла етиштирилди. Шу билан бирга, айни кунларда 38,7 минг тонна пахта ҳосили етиштириш бўйича агротехник тадбирлар изчил олиб борилмоқда. Чорвачилик соҳасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди, йирик шохли қорамоллар сони 42,3 минг бошга етказилди. Экспорт йўналишида эса 1,1 миллион доллардан зиёд қийматда мева-сабзавот маҳсулотлари хорижга етказилди.

Бу кўрсаткичлар Зафаробод туманида ердан самарали фойдаланиш, экин турларини тўғри уйғунлаштириш ва бозор талабларига мос равишда етиштириш жараёни йўлга қўйилганидан далолат беради. Айниқса, ғаллачилик ва пахтачиликда такрорий экинлар сифатида қовун-тарвуз, помидор, бодринг етиштириш орқали ер унумдорлигини ошириш тажрибаси диққатга сазовор.

Мен учун деҳқончилик нафақат меҳнат, балки ҳаёт тарзи, болалигимдан сингиб кетган қадриятдир. Ерга қараганимда унда имконият, меҳнат ва барака кўрасан. Шу туфайли мен раҳбарлик қилаётган “Жомбой” фермер хўжалигида ҳар бир қарич ердан унумли фойда-

ланишни асосий қоида қилиб олганмиз.

91,4 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштириш билан бирга, ҳосилдан бўшаган майдонларда такрорий экин сифатида қовун-тарвуз, помидор, бодринг ва бошқа сабзавот турларини парваришлаймиз. Бу эса ердан икки-уч баробар фойда олиш имконини беради. Ҳосилнинг бир қисмини оилами ва кўни-кўшнилари билан баҳам кўрсак, қолганини бозорга олиб чиқиб, даромадини ишлаб чиқариш жараёнини янада ривожлантиришга сарфлаймиз.

Фермерликда мен учун энг муҳим тамойил – ерга муҳаббат ва изчил изланиш. Ҳар мавсумда янги ечимлар, илғор агротехнологиялар ва юқори навли уруғлардан фойдаланишга ҳаракат қиламан. Суғоришда тежамкор технологиялардан фойдаланиш сув ресурсларини авайлаш билан бирга ҳосилдорликни ҳам оширади.

Шуни тўғридан-тўғри айтишим мумкинки, биздаги натижалар фақат меннинг эмас, балки бутун жомоамнинг сидқиқил меҳнати самарасидир. Ҳар биримиз юртимиз дастурхонига барака, бозоримизга тўқинчилик олиб келишни юракдан истаймиз. Шу туфайли “Жомбой” хўжалигидаги иш услуби ва тажриба, менимча, бошқа фермерлар учун ҳам ўрнатилган бўлади. Менинг хулосам шуки, деҳқон меҳнатида

барака бўлиши учун ерга муҳаббат, ишга сидқидилдан ёндашиш ва доимий изланиш зарур. Ана шундагина ер ҳам, меҳнат ҳам ўзингга хайр-барака бўлиб қайтади.

Кўп йиллик тажрибамдан англаганим шуки, деҳқончиликда натижага эришиш учун фақат меҳнат қилишининг ўзи етарли эмас, балки ердан тўғри ва оқилона фойдаланиш ҳам зарур. Ачинарлиси, ҳали ҳам қишлоқларимизда шундай оилалар борки, уларда етарли имконият бўлса-да, ер унумдорлигига эътибор кам, “шўрлаган”, “сув тақчил” деган баҳоналарни рўқча қилиш одатга айланган. Шу боис ҳам улар дастурхонига помидор, бодринг, сабзи ёки пиёзни бозордан олиб келади.

Менимча, бу ҳолатнинг икки асосий сабаби бор: биринчиси – ердан самарали фойдаланиш маданияти етарли даражада шаклланимагани, иккинчиси – янги агротехнологиялардан фойдаланиш кўникмасининг йўқлиги. Масалан, замонавий томчилатиб суғориш, юқори ҳосил бериувчи навлар, зараркунандага қарши интеграцияланган кураш тизимлари ҳали ҳам барча фермер ва томорқа эгалари ҳаётига тўла қириб бормаган.

Оддий мисол: фермер хўжалигимизда бу каби муаммоларга ўз иш услубимизга суяниб ечим топамай. Шўрланган жойда шўр ювиш тадбирларини амалга оширамиз, сув ресурс-

ларини тежаш учун томчилатиб суғориш ва узлуксиз намлик назорати тизимини қўллашимиз. Баъзи майдонларда экин турларини алмашлаб экиш усули орқали ернинг биологик тикланишига эришамиз.

Демак, қишлоқ хўжалигида учраётган муаммоларни енгишининг асосий йўли – **изланиш, билим ва технология**. Ҳар бир деҳқон ернинг табиати ва иқлим шароитига мос ечим топа олиши керак. Агар шу йўлдан борилса, ҳеч қандай “ер шўр” ёки “сув тақчил” деган баҳоналар кетмайди.

Шундай экан, бизга керак нарса – ерга меҳр бериш, янги технологиялардан унумли фойдаланиш ва ҳар мавсумда янги ютуқларга интилиш лозим. Ана шундагина қилган меҳнатимиз баракали, дастурхонимиз тўқин, бозорларимиз обод бўлади.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар, фермер ва деҳқонлар учун яратилган имкониятлар, бозор муносабатларига кенг йўл очилиши, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг стратегик қарашлари ва қатъий сиёсий иродаси билан узвий боғлиқ. Бу ислохотлар мамлакатимизда замонавий фермерлик маданияти ва рақобатбардор аграр тармоқни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Суяги меҳнатда қотган бир оддий деҳқон сифатида ўзим кўрган, билган ва қўллаётган ҳаётий тажрибаларимдан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида янада улкан муваффақиятларга эришиш учун қуйидаги айрим тақлиф ва тавсияларни билдирмоқчиман:

Биринчидан, ҳар бир фермер ва томорқа эгаси ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш ва мўл ҳосил етиштириш учун такрорий экинлар ва қатъий тартибда алмашлаб экиш тизимини қўллаши шарт! Шундай йўллар орқалигина ер унумдорлигини сақлаш ва ҳосилдорликни ошириш мумкин.

Иккинчидан, сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш мақсадида томчилатиб суғориш ва замонавий намлик назорати тизимлари барча ҳудудларда жорий этилиши лозим. Бу нафақат ҳосилдорликни оширади, балки экологик барқарорликка ҳам хизмат қилади.

Учинчидан, агротехника қўлдаларига қатъий амал қилиш, юқори навли уруғ ва илғор технологиялардан фойдаланиш кенг тарғиб этилмоғи керак. Бу жараёнда илмий-тадқиқот институтлари ва фермерлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш муҳим.

Тўртинчидан, фермерлар ва деҳқонлар ўртасида илғор тажриба алмашиш, рўқча-семинарлар ва амалий кўргазмаларни тизимли йўлга қўйиш керак. Бу соҳада билим ва кўникма даражасини ошириб, замон талабига мос иш услубларини оммалаштиради.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилаётган ҳар бир юрдошимиз меҳнати давлат ва жамият томонидан муносиб рағбатлантирилиши лозим. Бу нафақат моддий, балки маънавий эътироф ва ижтимоий ҳимоя тизими орқали ҳам амалга оширилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, деҳқон меҳнати – элнинг қувончи, давлатнинг таянчи ва келажак авлодининг барака манбаидир. Биз фермерлар ер ва меҳнатга муҳаббат, садоқат ва доимий изланиш билан юртимиз равнақига ҳисса қўшамиз.

Абдурашид САФАРОВ, Зафаробод туманидаги “Жомбой” фермер хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими

САНА АРАФАСИДА...



Шуҳрат АСЛАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

ЮРТГА МАДАДКОР ҚАТЛАМ

Давлатимиз раҳбари ҳар сафар кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашганда тадбиркорларнинг энг долзарб муаммоларини бартараф этиш, бизнес тўсиқларини қисқартириш ва инфратузилма, ер, энергия билан таъминлаш зарурлигини алоҳида эътироф этади. Дарҳақиқат, шиддаткор замон аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашда ана шундай комплекс ёндашувлар зарурлигини таъкидлаш керак.

Тадбиркорларга ўз фаолиятини кенгайтириш, янги бозорларга кириб бориш, стандартларни ўрганиш, бренд яратиш, стартапларни юзага чиқаришга яқиндан ёрдам бериш бугуннинг талабидир. Дунёда кенг ривожланаётган сунъий интеллект, рақамли ва яшил технологиялар, креатив хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни амалиётга жорий этиш вақти келди.

Масалан, Қашқадарё вилояти мисолида айтадиган бўлсак, жорий йил 1 июль ҳолатида 24 минг 837 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Утган олти ой мобайнида 1 321 та кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, 3 863 та янги иш ўрни яратилган. Воҳада хорижий инвестиция иштирокидаги 302 та қўша корхона мавжуд бўлиб, уларда ўндан ортиқ янги маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилди.

Ёш тадбиркорлар ўртасида сенаторлар ва O‘zLiDeP депутатлари иштирокида замонавий технология олиб келиш, ишлаб чиқаришга креатив фикрлайдиган билимдон

мутахассисларни жалб этиш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида кенг қўламада тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бормоқдамиз. Воҳадаги олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур малакали муҳандис, технолог, дизайнер, бухгалтер ва маркетингларни тайёрлашга эътибор қаратилаётди. Бундан ташқари, кичик бизнесда янги “драйвер” бўладиган ускуна ва дастгоҳлар, тиббий воситалар, электроника sanoati, логистика каби соҳаларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастурлар амалиётга татбиқ этиляпти.

Энди вилоят миқёсида тадбиркорлик соҳасидаги айрим муаммоларга ҳам тўхталмоқ жоиз. Масалан, жорий йилнинг утган даври мобайнида 1 321 та кичик бизнес субъекти тугатилган. Улар нега ўз фаолиятини тўхтатганини таҳлил этганимизда аксарияти солиқ ҳисоботларини вақтида топширмагани учун қўлла-нилган жарима ва солиқлар қийнаб қўйганилиги, савдо соҳасидаги солиқ

ставкалари юқорилиги, молиявий ресурслар етишмаслиги боис кредит маблағларига эҳтиёжлари борлигини билдирди. Агар солиқ ҳисоботларини кеңиктиргани учун қўлланганидан жарималар олиб ташланса, тадбиркорлар сони икки баравар ортган бўларди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектлари айланма маблағи миқдори 1 миллиард сўмдан ошганда улар қўшилган қиймат солиғи тўловчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказилиши белгилаб қўйилган. Шу боис уларнинг аксарияти белгиланган меъёрдан ошиб кетмаслик учун айланма маблағни яширишга уринади. Агарда ушбу меъёр кичик бизнес субъектлари учун 3 млрд сўм миқдорда белгиланса, тадбиркорлар сифи кенгайиб, янги-янги иш ўринлари очилган бўларди.

Яна бир гап. Вилоятимизнинг Ғузор, Қамаш, Яққабоғ, Китоб, Чироқчи, Кўкдала, Шаҳрисабз туманлари ҳамда Шаҳрисабз шаҳридаги sanoat корхоналари, ижтимоий соҳа ва туризм объектилари ҳамда аҳоли хонадонларини электр энергияси билан таъминлаб турган 110 кВ “Л-Яққабоғ-1,2” электр узатиш тармоғи 139 % юклама билан ишлаши натижасида электр таъминотида муаммолар юзага келмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-қарорига кўра кичик sanoat зоналарининг ер участкалари тадбиркорларга ижара ҳуқуқи асосида ажратиб берилиши белгилаб қўйилган бўлса-да, бугунги кунда Вазирлар

Маҳкамасининг 2022 йил 30 ноябрдаги 685-сон қарорига асосан аукцион савдоларига чиқарилаётгани энди иш бошламоқчи бўлган тадбиркорларга қийинчилик туғдирмоқда.

Кичик sanoat зоналари ва ёшлар sanoat зоналарида ер майдонларини ижарага олиб фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига ер солиғини ҳисоблаш амалиётини бекор қилиш чораларини кўриш керак. Китоб туманининг асосий sanoat корхоналари қурилиш қоришмалари учун микрокальцит ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келади. Хозирда ушбу йўналишда 90 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд ва буларнинг барчаси электр энергиядан фойдаланади. Ушбу тайёр хомашё маҳсулотини ўзимизда қайта ишлаб, сифатли буюк чиқариш имконияти мавжуд. Бироқ табиий газ тармоғи йўқлиги ишлаб чиқаришни кенгроқ йўлга қўйишга монелик қилмоқда. Агарда тумандаги 4 та sanoat зонасига табиий газ тармоғи тортилса, тадбиркорлар томонидан ўнлаб қўшимча қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш имконияти пайдо бўларди. Натижада 500 дан зиёд иш ўрни ташкил этилиб, бюджетга 100 млрд сўм қўшимча маблағ келиб тушарди.

Вилоятдаги аҳоли хонадонлари ҳамда кичик бизнес субъектларини электр энергияси билан таъминлаб турган электр узатиш тармоқлари ва трансформаторлари маънан эскириб, эксплуатация мuddати 25–40 йилдан

осган. Истеъмолчиларнинг электр таъминотини яхшилаш ва барқарорлигини ошириш, тармоқлардаги исрофни қайтаришга мақсадида 1 500 км узунликдаги электр узатиш тармоқлари ҳамда 400 донна трансформатор пунктларини реконструкция ва модернизация қилиш учун республика бюджетидан 198 млрд сўм маблағ ажратилиши талаб этилмоқда. Ана шунда истеъмолчиларнинг электр таъминоти барқарорлиги таъминланиб, тармоқлардаги йўқотишларни камайитиришга эришилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг муҳим асоси ҳисобланади. Шундай экан, мунтазам равишда воҳадаги тадбиркорлар фаолиятини ўрганиб, уларни қийнаб келаятган муаммоларни бартараф этиш, ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан яхшилаш бугуннинг талабидир. Бир сўз билан айтганда, кейинги саккиз-тўққиз йилда давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш борасида илгари сурилаётган ташаббуслар, хусусан, инновацияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, рақамли иқтисодиётни кенг жорий этиш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби узоқни кўзлаб амалга оширилаётган устувор мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш йўлида бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этмоғимиз лозим.

“МАРКАЗ”ДАН ГАПИРАМИЗ:

БИЗДА МУАММОГА ЕЧИМ БОР!

Иккинчи мақола

Тадбиркорлар куни фақат байрам эмас, балки ушбу соҳадаги муҳим муаммоларни муҳокама қилиш ва янги ечимлар излаш санасидир. Бугунги кун ишбилармони иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантурувчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази шу муносабат билан солиқ, ҳуқуқий муҳит ва кадрлар тайёрлаш соҳасида амалий тақлифларини тақдим этади.

Ушбу мақолалар орқали биз тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган айрим масалалар ва уларни ҳал этиш йўллари сининг этиборингизга ҳавола этамиз.

Камерал назорат ва БЮД: замонавий ёндашув зарур

Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш бўйича кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази соҳа вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Амалдаги баъзи қонунлар ва меъёрий тартиблар тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётгани аниқланди. Хусусан, Солиқ кодексининг 138-моддасида назарда тутилган камерал текширув амалиёти кўпчилик ортиқча бюрократик тўсиқларга сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан “камерал текширув” ўрнига “камерал назорат” тушунчасини жорий этиш ва жараёни автоматлаштириш тақлиф этилмоқда.

Шу билан бирга, 2024 йилдан бошлаб божхона юк декларациялари (БЮД) электрон тарзда Солиқ қўмитасига юборила бошлади. Аммо ҳануз тадбиркорлардан БЮДнинг қоғоз шакли сўралаятгани салбий ҳолат. Электрон маълумотлар етарли бўлган пайтда қоғоз ҳужжатлар талабини бекор қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фоизсиз қарз – даромад эмас

Солиқ кодексининг 299-моддаси тўрттинчи қисмига мувофиқ, тадбиркор бошқа тадбиркордан фоизсиз қарз олган тақдирда ҳам, Марказий банкнинг асосий ставкаси (ҳозирда 14%) асосида даромад деб қаралади ва 15 фоиз миқдорда фойда солиғи тўланади. Аммо бундай муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бўлиб, қарз берувчининг шахсий мулки дахлсиз саналади. Бу ҳолат “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар руҳиятига зиддир. Шунга кўра, 299-модданинг тўрттинчи қисмини бекор қилиш ва тадбиркорлар ўртасидаги фоизсиз қарз (молиявий ёрдам) бериш муносабатларига даромад солиғи солиш тартибини олиб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Солиқчилик тизими қайта кўриб чиқилса...

2018 йилда жорий қилинган Солиқ кодексининг 237-моддасига кўра, солиқ давридаги даромади 1 миллиард сўмдан ошган тадбиркорлар автоматик равишда ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. Валюта инфляцияси, бозордаги реал ўзгаришлар инноватта олинмаётгани сабабли мазкур чегара тадбиркорликка ортиқча юк солмоқда.

Шундан келиб чиққани ҳолда айланма (оборот) чегарасини Базавий ҳисоблаш миқдорига боғлаш (масалан, БҲМнинг 5000 баравари) орқали автоматик индекслашни тасминлаш тақлиф этилади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 221-моддасидаги қатъий жарималар кўп ҳолларда тадбиркорнинг имконияти ва қонунбузарликка мос эмас. Масалан, микрофирма ва йирик кор-

судга ўтказиш амалиётини жорий этишни тақлиф қилади.

Янги тартиблар – онлайн кассалар, кодлар, маълумотлар янгиланиши – тадбиркорлар учун кўп ҳолларда ногаҳоний қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Бундай янги тартибларни амалиётга жорий қилишда уларни камда 6 ойлик тажриба режимида синаб кўриш ва камчиликларни бар-тароф этиш механизмларини йўлга қўйиш зарур.

Кредитини тўлай олмаган тадбиркорга жиноятчи сифатида қараш мумкин эмас. Бу борада кадрлар масаласи ҳам ҳаминқадар. Мактаб-гача таълим, мактаб ва олий таълим муассасалари ўртасидаги интеграция ҳавас қиларлик даражада эмас. Хусусан, бу кўпроқ методикалар, касбий йўналишлар системасида аниқ кўзга ташланади.

Амалда ҚҚС рўйхатидан ўтказишда жойига чиқиш текширувлари талаб қилинади. Холбуки, кўчмас мулкни электрон базада тасдиқлаш ҳам мумкин. Тақлифимиз, корхона-нинг балансида кўчмас мулк борлиги маълум бўлса, жойига чиқмасдан ҚҚС рўйхатига олишга рухсат бериш зарур.

Кўчма ўтқазилган дарахтлар муҳитога қилиниши зарур

Бугунги кунда шаҳарсозлик, йўл-курулиш ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида кўчма ўтқазилган дарахтлар кесилмоқда. Бу ҳолат экологик мувозанатга сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Афсуски, амалдаги ҳуқуқий-меъёрий базада бундай дарахтларни сақлаб қолиш, яъни бошқа ҳудудга кўчириб ўтказиш учун аниқ ва ишончли меха-

Касб-кўникмадан кластерга – салоҳиятни ривожлантириш йўли

Саноат тараққиёти босқичида бўлган Ўзбекистонда йирик корхоналар фаолиятини мустаҳкамлаш учун маҳаллий кадрларни тайёрлаш жуда муҳим. Бу ўз навбатида давлат ва нодавлат секторларнинг ривожига ҳам хизмат қилади. Бугунги кунда хусусий секторда болаларни муҳандислик ва IT йўналишларида тайёрлаш тизими мукамал эмас. Бу борада кадрлар масаласи ҳам ҳаминқадар. Мактаб-гача таълим, мактаб ва олий таълим муассасалари ўртасидаги интеграция ҳавас қиларлик даражада эмас. Хусусан, бу кўпроқ методикалар, касбий йўналишлар системасида аниқ кўзга ташланади.

Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ва Савдо саноат палатаси “Муҳандислик кластери” – нодавлат секторда мактабгача, мактаб, коллеж ва олий таълимни қамраб олувчи “4+1” тизимини жорий этишни тақлиф этади. Бунда:

– болаларнинг касбий маҳорати баҳолини, мутахассислар томонидан индивидуал қизиқишлар бўйича касбларга йўналтирилади;

– коллеж ва университет даврида йирик корхоналарда стажировка орқали амалий билим ва кўникма олишлари имконияти яратилади;

– инновацион кластерларда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш-стартларига шарт берилади.

Германиянинг Баден-Вюртемберг ва бошқа минтақаларидаги таълим кластерлари (масалан, TUM, RWTH Aachen каби олий ўқув юрталари ва Groz-Beckert KG академияси) ёшларни мактабдан бошлаб мутахассислик соҳаларига йўналтиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ушбу тажрибаларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва мукамал ҳолатда қайта ишлаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ушбу кластерни амалга оширишда фаол иштирок этиб, хусусий сектор ва таълим муассасалари ўртасида уч томонлама ҳамкорлик платформасини шакллантириши мумкин. Бу лойиҳа орқали маҳаллий кадрлар билан таъминланган табиқий муҳандислик ва IT соҳасидаги кадр эҳтиёжини қоплашга эришилади, хориждан мутахассис жалб қилиниши ва энг муҳими – кадрлар бўйича ташқи бозорга йўл очилади.

Сертификатлаштиришда хусусий секторга йўл бериш керак, лекин...

Техник стандартлаштириш, сертификатлаштириш, турли лаборатория хизматлари бўйича 499 ташкилот аккредитациядан ўтган бўлса-да, соҳада давлат ўрни ҳали ҳам юқори. Бу ҳолда рақобат муҳити чекланиб, истеъмолчилар ҳуқуқлари хусусида хавотирларни пайдо қилади. Марказ аккредитация ва мувофиқликни баҳолаш функцияларини хусусий секторга босқичма-босқич топшириши керак. Хусусан:

– назорат функцияларини сақлаб қолган ҳолда, лабораториялар ва унинг фаолиятини электрон тизим орқали назорат қилиш;

– тадбиркорлар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида соҳада мониторинг ва назорат объектилари техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги органи орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

2021–2023 йилларда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан ўтқазилган назорат тадқиқотларида 828 та маҳсулот текширилган, 15%га яқин маҳсулотлар ва 8 турдаги дори воситалари техник нормаларга мос келмаганлиги аниқланган. Бу ҳолатлар уларнинг фаолияти зарур натижа бераётганини кўрсатади. Шунга кўра, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ушбу йўналишда ҳам тузилма ва қўнчилик базасини тақомиллаштириш учун амалий тайёрлик ҳамда эксперт ёрдамини тақдим этади.

Иқтисодий тизимнинг асосий локомитиви бўлган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ташкилотнинг асосий шioriридир.

Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан тақдим этилган таҳлилий тақлиф ва ташаббуслар асосида Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.

СЎЗ – ИШБИЛАРМОНЛАРГА!

Қўшма корхонамиз бугунги кунда вилоятдаги энг йирик иш берувчи ва экспортёр корхоналардан бирига айланган.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасининг “Хишрав-2” ҳудудида, аввал чиқиндилар ташлаб келинган майдонда ташкил этилган ушбу корхона 2018 йилдан буён ҳар йили янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб, Самарқандда янги металлургия саноатига асос солиб келмоқда.

Рақамларга назар ташлайлик: ҳозиргача 585,6 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган бўлса, шундан 227,4 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келмоқда. Корхонада 13 турдаги металл қувурлар, 17 турдаги металл профиллар, пукакли, шиша ва базальт толасидан тайёрланган сендвич панеллар, полимерланган тунукалар, гипсокартон ҳамда пардозлаш материаллари учун металл профиллар ва қурилиш симлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхона жами 400 минг тонна металл маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бугунги кунда корхонада



Одил БОЛТАЕВ,
Самарқанд вилоятидаги
“AZIA METALL PROF”
МЧЖ қўшма
корхонаси раҳбари,
O’zLiDeP фаоли

ОИЛАВИЙ КОРХОНАМИЗ ФАОЛИЯТИ 2013 ЙИЛДА АТИГИ БИР ДОНА ТИКУВ МАШИНАСИ БИЛАН БОШЛАНГАН ЭДИ. БУ КИЧИК ҚАДАМ ОРТИДА ЭСА БУЮК МАҚСАД – НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, УЛАРНИНГ ҲАЁТДА МУНОСИБ ЎРИН ТОПИШИГА КЎМАК БЕРИШНИ НИЯТ ҚИЛГАНДИК.

Албатта, бу йўлда бизга энг катта таянч – давлатимизнинг тадбиркорларга яратиб берган имконияти ва имтиёзлари бўлди. Имтиёзли кредитлар, грантлар, лойиҳавий қўллаб-қувватлаш дастурлари фаолиятимизни ривожлантиришга хизмат қилди. Бемалол айтиш мумкинки, давлат биз тадбиркорлар орзусига трамплин бўлмоқда – кичик фозларимизни катта натижаларга айлантирмоқда.

Бугунги кунда корхонамиз ишлари замонавий ускуналар, янгиланган цехлар ва 35 нафарга яқин ишчи-ҳодимлар фаолияти билан кенг қўламда давом этмоқда. Уларнинг 14 нафари – ногиронлиги бор хотин-қизлар бўлиб, иш жойлари тўлиқ мослаштирилган.

Миллий кийим-кечак, тўн, кўрпа-тўшакларимиз қўл меҳнати асосида, миллий анъаналар ва замонавий дизайн уйғунлигида тайёрланади. Маҳсулотларимиз нафақат Хоразм, балки

республикамизнинг турли ҳудудларида ҳам харидордир.

Кувонч билан айтаманки, жорий йилнинг ўзида миқозларга 2 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бердик. Бу – жамоамизнинг бирдамлиги, фидойилиги ва меҳнатсеварлигининг натижасидир.



Феруза ҲАСАНОВА,
“Урганч миллий тикувчилик”
оилавий корхонаси раҳбари

2015 ЙИЛДАН БУЁН “SHUMANAY AGRO IMPEKS”, “TAXTAKUPIR AGRO IMPEKS” ВА “ASPANTAY AGRO IMPEKS” КАБИ КОРХОНАЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ЙИРИК АГРАР ЭКСПОРТ ТАРМОГИНИ БОШҚАРИБ КЕЛЯПМАН. УШБУ КОРХОНАЛАР ХОРИЖГА СЕРСУВ УЗУМ, ГИЛОСДАН ТОРТИБ, САБЗИ, ХУШБЎЙ ҚОВУН ВА ҲАТТО БАКЛАЖОНГА ҚАДАРТ ТУРЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ЙИРИК ЭКСПОРТЁР САНАЛАДИ. 2022–2024 ЙИЛЛАРДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 12,2 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИДАН ОРТИҚ БЎЛГАН 46 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ ВА РЕЖАЛАР 120-125 ФОИЗГА ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ.

Биз ишлаб чиқараётган ҳар бир килограмм маҳсулот – фақат иқтисодий ривож эмас, балки Ўзбекистон бренди ва халқимизнинг захира қийматини фодолайди.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда экспортчиларга давлат томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш сезиларли даражада кенгайди. Соддалаштирилган божхона тартиблари, логистика учун субсидиялар, махсус солиқ имтиёзлари, “Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси” дастурлари ва давлат кафолати остида молиялаштириш ўрта ва йирик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Бу эса қишлоқ ҳўжалиги экспортида катта ютуқларга олиб келди: 2024 йилда агроэкспорт ҳажми 2,9 миллиард долларга етди, бу 2023 йилга нисбатан 17 фоизга кўпроқ деганидир. Жорий йилда корхоналаримиз жами 11,1 миллион АҚШ доллари миқдоридан

шартнома тузишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, ҳозирда Қорақалпоғистонда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида янги логистика марказини барпо этапмиз. Бу марказ етказиб бериш ҳажмини ошириш ва маҳсулотларни халқаро стандартларга мувофиқ сақлаш имконини беради.



Алишер ЖУМАНАЗАРОВ,
тадбиркор, Қорақалпоғистон
Республикаси Жўқорғи
Кенгеси депутати



Экспортда миллий валютага тенг ҳуқуқ берайлик

Кунгабоқар уруғларнинг экспортга тақиқлангани ички бозордаги ортиқча маҳсулотни қадрсиз қилмоқда. Таркибида 35 фоиздан кам ёғ бўлган уруғларни экспорт қилишга рухсат бериш тақлиф этилади.

Шунингдек, пахта чиқиндиларини экспорт қилиш ўрнига, уларни ички корхоналарда қайта ишлаб, қийматли маҳсулот – калава ипини арзон таннархда ишлаб чиқариш зарур. Бу текшириш соҳада иш ўринларини тиклашга ҳам хизмат қилади.

Айрим давлатлардаги валюта муаммолари туфайли экспортчилар тўловларни ўз вақтида қабул қилолмагани. Шу сабабли экспортчи ҳисоб рақамига нақд валютада тўлов қабул қилиш имконини яратиб тақлиф этилмоқда.

Сўмда амалга оширилган экспорт операциялари хорижий валютадаги экспортга тенглаштирилиб, имтиёзлар умумий тартибда берилиши зарур. Бу миллий валютанинг мавқеини оширади.

Фармацевтика учун амалий ечим

Қонун бўйича рўйхатдан ўтмаган дори воситалари мамлакатга киритилмайди. Лекин гувоҳномаси амал қилган даврда олиб қирилган товарларни муомалага чиқариш тартиби аниқ эмас. Шу боис амалдаги гувоҳномага эга, сертификатли дори воситаларига муомалада бўлишга рухсат бериш керак.

хона бир хил миқдордаги жаримага тортилади. Шундан келиб чиқиб, жарималарни табақалаштириш ва тадбиркорлик субъектларининг улчамига қараб белгиланиш (микрофирмалар учун БҲМнинг 3 баравари, йирик корхоналар учун 60 баравари каби) мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 41-моддаси асосида хусусий ва оилавий корхоналар таъсисчилари олган даромад дивиденд сифатида солиққа тортилади. Аммо акциядорлар учун 2028 йилгача даромад солиғидан озод қилинганлик ҳолати мавжуд. Бу эса қонун барчага тенг принципига зид ҳолатдир. Шундан келиб чиқиб, хусусий ва оилавий корхона таъсисчиларини ҳам 2028 йил 31 декабргача дивиденд солиғидан озод қилиш тақлиф этилади.

Ўрганишларга кўра, ихтиёрий тугатилган корхоналарни солиқ органлари 30 кун давомида текширади. Бу ортиқча вақт ва ресурс сарфига олиб келмоқда. Солиқ хавфи паст бўлган тадбиркорлар фаолиятини солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан текшириш имкониятини қўнунчиликка киритиш лозим.

Амалдаги қўнунчиликка кўра, солиқ ҳисоботини кечиктирган тадбиркорлар автоматик равишда жаримага тортилади. Афсуски, бу жараёнда уларнинг тушунтириш хати ўрганилмайди. Айбни тан олиб, мавжуд камчиликни бартараф этишига имкон берилмайдими. Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази мазкур жараёнда солиқ жарималари юзасидан қарор қабул қилишда тадбиркор иштирокини таъминлаш, зарурат туғилганда ишларни

низм мавжуд эмас. Натижада кўчириб ўтказиш мумкин ва мумкин бўлмаган дарахтлар ҳам кесиб ташланаётгани кузатишмоқда.

Айниқса, давлат ўрмон фондида кирмайдиган, шаҳар ва туманлар ҳудудидаги дарахтлар тақдирини бўйича аниқ тартибнинг йўқлиги турли хил талқин ва баҳсларга сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, яшил майдонларни сақлаш ва кенгайтириш жамиятнинг долзарб вази-фасидир.

Давлат ўрмон фондида кирмайдиган дарахтларни сақлаб қолиш ва бошқа ҳудудларга кўчириб ўтказиш имконини берувчи лицензиялаш тизимини жорий этиш зарур. Бу тизим доирасида:

– кўчириб ўтказиш имкониятига эга дарахтлар махсус экспертлар томонидан баҳолиниши;

– лицензияга эга махсус ташкилотлар томонидан кўчириш ишлари амалга оширилиши;

– масъул идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги вазифалар аниқ белгилаб берилиши;

– барча жараёнлар электрон реестр орқали мониторинг қилиниши зарур.

Мазкур ёндашув нафақат дарахтларни сақлаб қолишга, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, яшил ҳудудларни кенгайтириш ва экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, бу соҳада фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун ҳам янги бизнес имкониятларини пайдо қилиши мумкин.

ЯНГИЛИККА ВАҚТ ВА ИМКОН

БЕРИШ КЕРАК ЭМАСМИ?

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида амалдаги ер майдонларига азалий аънаёнага айланган фақат пахта экишга чек қўйилиб, турли озиқ-овқат экинлари, шунингдек, боғ-роғлар ташкил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида бозорларимиз тўқинлиги, нарх-навонинг мўътадиллигини таъминлаш билан бир қаторда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини оширишга хизмат қилмоқда.

да ҳайдалиб, текислангани, сўнгра саялка ёрдамида экиш чизиги белгилаб олинди, ҳар 50 сантиметр оралиққа ишчи кучи ёрдамида уруғ қадалгани, шунингдек, табиий ўғит берилиб, суғорилгани” қайд қилинган. Худди шу мазмунда 2021 йил 25 апрелда тузилган далолатномада эса “...ер майдонининг 2 гектари трактор ёрдамида ҳайдалиб, текислангани, жўяқ тортилиб, 100 сантиметрга 60 сантиметр схе-

мумкинлигини айтишди. Ушанда қанчалик қувонгандим. Ахир илк ҳосил хирмонга уйилиши кўп йиллик меҳнатим маҳсули бўлар ва уни сотиб, қарзларимдан қутилардим. Шуларни ўйлаб юрганнимда бу машаалар чиқди...”

Урганч туманларо иқтисодий судининг 2025 йил 10 июндаги ҳал қилув қарориди “Урганч туман ҳокимлиги билан “Delivery service” МЧЖ ўртасида 2021 йил 4

сида тузган далолатномаларга суянсақ, тадбиркор амалдаги йилнинг қиш охири ва баҳорда яна 45 гектар майдонга каврак эккан. “Каврак етиштирмаган деб ўзининг қанча шахсий маблағимни сарфладим, яна банкдан кредитим бор. Агарда бир йиллик экинлар экишга ихтисослашганимда ҳам майли эди. Аммо менга алам қилаётгани, неча йилки минг азоб билан ундирган, ҳар бир ниҳolini сақлаб


Воҳада минтақа учун тамомила янгилик бўлган бошқа турдаги ўсимликларни экиш ва парваришlash имкони борлигини сўнги тажриба ва амалиётлар исботлади. Мисол учун, бошқа ҳудудларда ёввойи ҳолда ўсадиган каврак ўсимлигини воҳада ҳам ерлаштиришга бўлган уринишни олайлик. Биламизки, каврак кўп йиллик ўсимлик бўлиб, унинг шираси турли дори-дармонлар олишда ишлатилади. Хитой, Ҳиндистон каби давлатлардаги фармацевтика корхоналари ўзларида етиштирган каврак билан кифояланмай, уни четдан ҳам харид қилишмоқда. Агарда каврак шираси нархи жуда юқорилигини айтсак, бу ўсимликни экиб, парваришлаб, экспортга чиқаришга муваффақ бўлган тадбиркорларга жуда катта даромад келтириши, ҳеч шубҳасиз.

Мадамин Маматов Хоразмда биринчилардан бўлиб шу ишга кўп урган тадбиркор. У айнан каврак етиштириш мақсадида ўзи таъсисчиси бўлган “Delivery service” МЧЖ номидан Урганч туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиб, ер майдони сўрайди. Туман ҳокимининг 2021 йил 4 февралдаги қарорига кўра жами 83,4 гектар ер майдонини 40 йил муддатга ижарага олади. Бундан ташқари у таъсисчи бўлган “Agro export group Khogazm”га туман ҳокимининг 2019 йил 11 декабрдаги қарори билан каврак ва павловния плантациялари ташкил қилиш учун 100,7 гектар ер майдони ажратиб берилган эди. Шу ўринда тадбиркор нафақат каврак, балки павловния етиштиришга ҳам воҳада илк кўл урганни эслатиш жоиз.

Энди ўша ер майдонлари Бекобод – Кумобод массивдан ажратилганига эътибор қаратиш керак. Бу ҳудуд ўз номи билан кумлик – тупроғи кумлоқ ва аксар экинларни экиш учун яроқсиз. Сахродан ўзлаштирилган ер майдонларининг банитети пастлиги бир тарафу ҳудудда сув танқислиги бир тараф.

Тадбиркор ажратилган ер майдонларини ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан экишга яроқли ҳолга келтириш учун оз мунча маблағ сарфламади. Қум тупроқли ва узоқ йиллар деҳқончилик қилинмаган ерларни яроқли ҳолга келтириш учун, аввало, сув йўллари тартибга солиди, электр тармоғи тортади, сув чиқариш насослари ўрнатади. Агарда каврак ўсимлиги кўп йиллик бўлиб, камиди етти-саккиз йилда ҳосил беришини эслатсак, ишбилармоннинг тавалқалчилиги ва бардошига қўйил қолмай илож йўқ. Ахир аксар фермерлар тезроқ фойда олиш учун бир йиллик экин экишга зўр беришади, тўғрими? Бунда улар “буғдой-шоли” усулини, яъни буғдойдан бушаган майдонларга шоли кўчатлаш ёки тезпишар навларини экиб, бир мавсумда икки марта ҳосил олиш орқали сарф-харажатларини чиқариб олишга ҳаракат қилишади.

Қишлоқ хўжалиги вазириликнинг доривор ва зирavor ўсимликларни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Б. Нигматуллаева ва тармоқ учун бошқа масъулар томонидан 2021 йил 12 январда тузилган далолатномада ажратилган “...ер майдонининг 25 гектари техника ёрдами-



мада илдиз қаламчалари экилиб, ўғит берилиб, суғорилгани” ҳақида гап боради.

Айни ушбу бошқарма мутахассислари томонидан 2025 йил 30 январда тузилган далолатномада яна 25 гектар майдонга доривор ўсимлик экилгани қайд қилинган бўлса, 2025 йил 7 апрелда мутахассислар ўрганиш жараёнида 12, 25 ва 30 январда яна 25 гектар майдонга каврак экилгани аниқлашади. Айни шу кун тузилган далолатномада “...жами 45 гектар экин майдонлари кўздан кечирилганда 50 сантиметр оралиқда каврак уруғи униб чиққани, кўчат ва ниҳоллар мавжудлиги аниқланди” деган сатрларга кўзимиз тушади.

Мадамин Маматов томонидан олинган видеоларларга муҳрланган ҳолатларга эътибор берадиган бўлсак, бугунги кунда тадбиркор илқиди майдонларнинг 35 гектарыда яқин икки йилдан сўнг илк ҳосил – шира берадиган каврак пивэчалари мавжуд.

– Каврак плантациясини ташкил қилиш осон кечгани йўқ, – деб куйнади тадбиркор. – Аввалги йилларда шунча меҳнатим ва харажатим кетган майдонлардаги униб чиққан каврак сувсизликдан куриб қолди. Айнан сув муаммоси тўғрисида бугун майдонларни кавракзорга айлантиришдек орозум тезкор амалга ошмади. Сув муаммоси бўйича масъулларга кўп бора мурожаат қилганман. Утган йили Ҳиндистонлик мутахассислар келиб, тутиб кетган кавракларни кўздан кечиришди ва яна икки йилдан сўнг шира бериши

февралда тузилган ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномаси бекор қилинсин”, дейилган. Суд қарор чиқаришга Урганч туман ҳокимлигининг даъво аризаси асос бўлган. Ажабланарлиси, мазкур суд 2025 йил 11 февралдаги ажримига кўра Урганч туман ҳокимлигининг айни даъво аризасини кўрмасдан қолдирган эди. Туман ҳокимлиги ўз даъво аризасида мазкур МЧЖ ўзига ажратилган ер майдонларига шартномасиз бошқа экинлар эккани, бир қисм ер майдони экилмасдан қолганини рўқча қилган. Яъни, тадбиркор сувсизлик ва табиий муҳит сабаб каврак унмай, куриб қолган майдонларга соя, жўхори ва шоли эккани айтади. Гарчи доривор экинлар етиштиригани учун тадбиркор бир қатор солиқлардан имтиёзга эга бўлса-да, олган кредитлари, сарфлаган маблағларининг бир қисмини қоплаш учун бошқа экинлар экишга мажбур бўлгани аниқ. Бунда ерни ижарага берувчи томон билан ораларида келишмовчиликлар юзага келган, яъни тадбиркорга бошқа фермер хўжаликлари каби бўш майдонларга бошқа турли озиқ-овқат маҳсулотлари экиш тўғрисида топшириқ берилган. Уша топшириқ қай даражада қўнғий эканини билмаймиз, ammo унда кўрсатилган аксар экинлар кумлоқ тупроқда сарфлаган харажатини қоплайдиган миқдорда ҳосил бермаслигини биламиз.

Орадан ўтган беш ой ичида нималар ўзгарди? Юқориди мазкур бошқарма мутахассислари ўрганишлари асо-

қолган кавракларим тақдирини энди нима бўлади? Яна икки-уч йил кутишса илк ҳосилни олардим-ку!”, дея куйнаётган тадбиркорни тушунамиз.

Суд қарори юқори инстанцияларда ҳам ўз кучида қолдирилса, ижара шартномаси бекор бўлиб, бу майдонлар ҳокимлик захирасига қайтарилса ва қайта танлов асосида талабгорларга ажратилса... ҳозирда мавжуд кўп йиллик каврак экилган ер майдонлари нима бўлади? Ҳеч шубҳасиз ерни олган фермер ёки тадбиркор уни бузиб ташлайди. Бундан ким зарар кўради? Биринчи навбатда кўп йиллик меҳнати, миллиардлаб маблағи кетган тадбиркор Мадамин Маматов-да! Қолаверса, илк бора Хоразмдан хорижга экспорт қилиниши қутилган каврак шираси етиштириш лойиҳасидан давлатимиз ҳам зиён куриши эҳтимоли катта. Ва яна бир таъвишли жиҳати, тадбиркор парваришлаган каврак плантацияларини келиб кўрган хорижлик харидорлар-инвесторларнинг ҳам ишончи йўқолиши мумкин.

Бизнингча, тадбиркорга имкон бериш, ҳеч бўлмаганда каврак униб чиқиб, ривожланаётган ер майдонларини маълум шартлар билан қолдириш керак эди. Ана шунда “Саёр таги – олтин” дейилмиш отасўзимиз ўз тасдиғини топармиди?!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

Бугунги глобаллашув жараёнида ҳар бир давлат ўзининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини барқарор асосда таъминлашни устувор вазифа деб билади. Хусусан, кўп миллатли жамиятларда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ижтимоий барқарорлик тараққиётнинг муҳим пойдевори ҳисобланади.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Ўзбекистон – кўп миллатли аҳил оила” ғояси бугунги кунда нафақат мафқуравий, балки амалий ҳаётини мезон даражасига кўтарилган.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоаси ҳам ушбу эзгу ғояни ўз фаолиятининг асосий йўналиши сифатида қабул қилган.

Университет мамлакатимизда яшовчи барча миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, тинчлик, тотувлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда бу даргоҳда қорақалпоқ, ўзбек, рус, қозоқ, тожик, татар, корей ва бошқа миллатларга мансуб талабалар илм-фан, таълим, спорт ва маданият соҳалари бўйича таҳсил олишмоқда.

Таълим масканида “Миллатлар-

аро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва халқлар дўстлиги”, “Ўзбекистон – умумий уйимиз”, “Биз бир оила фарзандларимиз”, “Дўстлик куни” каби мавзуларда мунтазам тарзда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Ушбу тадбирлар талабалар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Талабалар театри, “Хурлиман” халқ ансамбли, ижодий гуруҳлар фаолияти орқали турли миллатларнинг

рақс, қўшиқ ва аънавалари саҳнада намойён бўлади. Ҳар йили аънававий тарзда ўтказиб келинаётган “Халқлар дўстлиги” фестивали турли миллат вакилларининг ўзига хос маданиятини бир саҳнада жамлаб, талаба-ёшлар ўртасида чинакам дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳини мустаҳкамламоқда. Бу йилги фестивал “Ўзбекистон – кўп миллатли аҳил оила” шиори остида юқори савияда ташкил этилди. Унда республика миллий-маданий марказлари, университетлар, шу жумладан, Наманган давлат техника университети ва Урганч давлат университети вакиллари иштирок этиди. Бу тадбир Ўзбекистон бўйлаб ёшлар ва зиёлилар ўртасидаги миллатлараро дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

Фестиваль доирасида сўзга чиққанлар мамлакатимиз тараққиётининг асосий пойдевори – тинчлик, барқарорлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик эканини алоҳида таъкидлашди. Тадбирнинг энг ёрқин қисми талабалар иштирокида бўлиб ўтди. Улар тайёрлаган саҳна кўринишлари, спектакллар, миллий қўшиқ ва рақслар орқали дўстлик, тинчлик ва бағрикенглик каби умуминсоний қадриятлар юксак маҳорат билан ифода этилди. Қорақалпоқ, ўзбек, рус, қозоқ, туркман ва бошқа миллатларга мансуб ёшлар ягона оила каби бирлашиб, ўз санъат намуналарини намойиш этишди. Бу чиқишлар миллатлараро тотувлик мустақил Ўзбекистоннинг асосий бойлиғи эканини амалда тасдиқлаб берди.

Жорий йилнинг июнь ойида университет жамоаси Наманган вилоя-



тида бўлиб ўтган 64-Халқаро гуллар фестивалида ҳам фаол иштирок этиди. Унда “Хурлиман” халқ ансамбли аъзолари томонидан ижро этилган халқ куй-қўшиқлари ва миллий рақслар кенг жамоатчилик томонидан илқ қутиб олинди.

Ибратли жиҳати, юздан ортиқ тарбиячи-устозлар томонидан ҳар бир гуруҳда ватанпарварлик, юртга садоқат ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбия ишлари олиб бориламоқда. Ҳар ҳафтанинг жума куни маънавият соати доирасида ташкил этиладиган мулоқотларда ижтимоий фаоллик, бағрикенглик ва маданий хилма-хилликка ҳурмат туйғуси шакллантирилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Ўзбекистон – кўп миллатли аҳил оила” ғояси бугунги кунда фақат широк эмас, балки ҳар бир муассаса, ҳар бир фуқаро ҳаётида амалда ўз ифодасини топаётган. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоаси бу ғояни ҳаётга татбиқ этиш, ёшларни миллатлараро бағрикенглик ғоясида тарбиялашга ҳаракат қилиб келмоқда.

Ахмед РЕЙМОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори,
академик

Реклама ҳуқуқи асосида.



БОБОЛАР ИЗИДАН

Озарбойжонга сафар:

Шахслар ва Ғоялар

Иккинчи мақола

Бирлик, бирлашиш ҳақида сўз кетганда биз одатда беш республикани назарда тутамиз. Каспий денгизи ғарбий чегарамиздек туюлади. Бироқ озарбойжонлик қардошларимизнинг саноғи олтига экан. Улар Марказий Осиё билан интеграцияни аниқ мақсадга айлантиргани расмий-норасмий давраларда баралла айтилаётганига гувоҳ бўлдик.

Тарихга боқсак, Туркистон ва Кавказ турклари доим бир-бирига интилиб яшаган. Озарбойжон Фанлар академияси раҳбари Исо Ҳабиббеи ва бошқа зиёлилар ҳам бот-бот такорлаганидек, Алишер Навоий Низомий Ганжавийни ўзига устоз деб билди. Фузулий эса Навоийга шоғирдликдан фахр туйди. Ҳазрат Алишернинг озарий муҳиб-мухлислари сафи қалин. Бу зотга эргашиб бутун туркий оламда тенденцияга айланган аслида.

Боқуға сафаримиз аввалида Озарбойжон Фанлар академиясининг бош биносига лангар ташладик. Музей каби иморат. Балки ундан ҳам ортиқ. Исмоилия қасри. Шаҳарнинг энг гўзал ва рамзий иншоотларидан бири. Озарбойжоннинг машҳур саноатчи миллионери Мусо Нагиев бюртмаси асосида 1908-1913 йиллари қурилган. Венеция готикаси услубида лойихаланган. Шарқона безаклар ила зийнатланган.

Мамлакатга келган туристлар Исмоилия қасрини ташқи томондан бўлса-да, албатта, томоша қилмай кетмайди. Тарихий бинога қизиққан киши борки, саховатли бой номини тилга олади. Унинг маҳзун ҳикоясини тинглайди, ўқийди. Нефт магнати оиласида кетма-кет оғир фожиалар рўй бериб, олдин қизи, кейин ўғли барвақт вафот этган. Йиллар ўтса-да, айрилиқ доғидан қутулмаган ота охири шаҳарда муҳташам сарой бунёд эттиришга қарор қилади ва уни санъатсевар ўғлининг шарафига Исмоилия деб аташни буюради. Шоядки, тарихдан номи ўчмасин.

Мусо Нагиев ўша даврда давлати бўлмаган миллат учун кўплаб хайрли ишларни амалга оширган. Боқудаги кўзга қаринган иншоотларни, меҳмонхона, шифохона ва ўқув масканлари қурдирган. Илм-фан, таълим, маданиятга ҳомийлик қилиб, меценат номини олган. Исмоилия қасри ҳам, мана, бир асрдан бери Озарбойжон илм-фани ўчоғи вазифасини ўтамоқда.

Фанлар академиясида бўлганимизда бошқа китоблар қатори “Девону луғотит турк”нинг махсус нашрини алоҳида эҳтиром билан бизга тўхфа этдилар. Сабаби, уни қарийб 90 йил илгари ўзбек ўғли араб тилидан озар тилига ўғирган. XX аср бошларида бизнинг юртдошимиз Кавказга қандай қилиб бориб қолган, дейсизми? Бунинг ҳам қизиқ тарихи бор.

ХОЛИД САИД КИМ ЭДИ?

XX аср бошида Туркистонда кечган миллий уйғониш ҳаракати бошқа кўплаб манбалар қатори Озарбойжондан ҳам куч олди. Илм-фан, таълим, театр, санъат, боринги, сиёсат, миллий бирлик масалалари... хусусида фикр юртилганда, албатта, бу юртни эслаймиз. Боқу юз йил илгари туркий халқларнинг маданий марказларидан бири сифатида йирик қурултойларга мезбонлик қилди. Ўша пайтда неча-неча ўзбек ўғил-қизлари Озарбойжонда таҳсил олган. Уларга Холид Саид бош-қош бўлган. Чунки ўлкага аввалроқ келиб ерлашган эди.

Мамлакат қайчилик ётарди. Чор Россияси ағдарилган, аввалдан илдиш отиб келаётган миллий озодлик ҳаракати авж олди. Бунга эса қизил мустамлакачилар тиш-тирноғига қаршилик қилди. Минтақадаги доминант миллат – озарбойжон туркларини парчалаб ташлашга тиришдилар. Миллий қирғинлар уюштирилди. Шунга қарамай, сиёсий фал қардошларимиз мусулмон Шарқдаги илк парламентар демократик республикани яратишга эришдилар – Озарбойжон Халқ Жумҳурияти пайдо бўлди. Ўлкадаги беқарорликка барҳам бериш, янги давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида Усмонли империяси билан ҳамкорликда Кавказ ислом ўрдуси тузилди. Баъзи манбаларда ёзилишича, Истанбул университети битирувчиси Холид Саид ушбу ғоянинг сафиди Озарбойжонга келган. Яъни уни ғоя эргаштириб келган.

Холид Саид 1888 йили Тошкент шаҳри яқинида туғилган. 1914-1918 йиллари Истанбул университетиде таҳсил олган. Кейин Ганжа ва Боқуда ўқитувчилик қилган (бу икки шаҳар Озарбойжон Халқ Жумҳуриятига бирин-кетин пойтахт бўлган). Олим 12 тилни билгани айтади. Илмий фаолиятини туркий лаҳжаларни қисий ўрганишга бағишлаган: “Турк тилларининг муқоясалги грамматикаси”, “Усмонли, ўзбек ва қозоқ тилларининг муқоясалги сарфи”, “Янги алифбо йўлларида эски хотира ва туйғуларим”, “Турк тили-

нинг тарихий грамматикаси”, “Ўрхун китобларининг изоҳли тадқиқи” каби асарлари бор. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва Раҳод Нури Гунтегиннинг “Чоликуши” романини озарбойжонча афдарган. Унинг энг катта хизматларидан бири Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” китобини таржима ва тадқиқ қилгани бўлди.

Олим 1935 йил сентябрда шарафли ишга киришиб, 1937 йил апрелида тамомлайди. 1500 саҳифалик тайёр кўлёмани бир неча нусхада кўпайтириб, Ленинграддаги муҳаррирлар – Крачковский билан Маловга юбормоқчи эди. Бахтга қарши, Холид Саид 1937 йил июнда қамоққа олиниб, октябрда отиб ташланди. Ўлимидан олдин Турон давлатини қуриш ҳаётдаги олий мақсади бўлганини таъкидлаган. “Девон” таржимасини эса НКВД мусодара қилган. Юқори эҳтимом билан, бошқа минглаб қимматли манбалар қатори буни ҳам йўқотиб юборган. Боиси, туркий бирлик тимсоли бўлган асар, мустамлака халқни теран томирларига боғлайдиган китоб босқинчи ҳокимиятга потенциал хавф туғдирарди.

Шу-шу, “Девону луғотит турк”нинг озарбойжонча таржимаси тилларда дoston эди, у ҳақда афсус ила афсоналар айтиларди... Орадан 86 йил ўтиб, кўлёманинг бир нусхаси Озарбойжон Фанлар академияси Насимий номидаги тилшунослик институти архивидан топилди. Ва нашр қилинди. Ва бизга совға қилинди. Ўзбекистондан боболар изини излаб борган ёшларга!

Маҳмуд Кошғарий меросининг яна бир нашри туркий халқлар маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Таассуфки, бизда Оуина.uz портали дохил саноқли сайтлар бу ҳақда қисқалина хабар берди, холос. Холид Саиддек зиёли олимимиз фаолияти ҳам ўзимизда чуқур ўрганилмаган. Яқинларгача ҳатто илмий жамоатчиликка нотаниш қолган.

Эйнштейн айтганидек, ҳар ким билади, нимадир бўлиши керак. Лекин ҳеч ким билмайди, нима бўлиши керак. Бир киши чиқади ва ўша ишни қилади. 1937 йили миллат оидинлари бошида қора булут қуюқлашганида ўша кимдир юрак ютиб, ноёб кўлёмани ҳатто катологларга ҳам қайд эттирмасдан, келажак авлод учун сақлаб қолиш кераклигини англаган (номъълум қаҳрамоннинг маънавий жасорати олдида бош эгса арзийди). Шу ерга келганда машъум қатағон йилларидан бирорта нодир асаримиз омон чиқмаганини надомат ила эслайман. Абдулҳамид Чўлпон романи – “Кеча”нинг “Кундуз”ини топиш бизга армон. “Кундуз” сизимиз ҳамон.

Яна қайтариб айтаман: ғояни тирик сақлаш зиёлиларнинг вазифасидир. Номинг тарихда қолиши кейинги масала. “Девону луғотит турк” асари ягона нусхаси қандай топилганининг ўзи бир афсона. Унинг туркий тилларга энг биринчи таржимаси бизгача қандай етиб келишида ҳам катта ҳикмат бор. Кул остида асралган чўғ мисоли. Холид Саид бир умр хизмат қилган ва сўнгги нафасида калима қатори такорлаган ғоя бугун ҳам тирик. Тириккина эмас, аллақачон уруғ босқичдан чиқиб, реал ҳаракатга, реал кучга айланган.


МАҚСАДИДАН ҚАЙТМАГАН МАҚСУД

Фикрларим исботи сифатида яна бир қаҳрамон ҳақида гапириб беришим керак. У ҳам миллий озодлик, туркий бирлик гулханида пов этиб ёнган-у, давр довуллари кучайиб кетган, чўғни ўчириб қўймаклик пайда яшаган. Холид Саид ўзбек бўлиб, озарбойжон илм-фанига хизмат қилган. Мақсуд Шайхзода эса озарбойжон бўлиб, ўзбек адабиётига умрини бағишлаган.

Боқудан қарийб 200 қақирим йўл босиб Оқтошга бордик. Чоғроқ шаҳар экан. Мамлакат пойтахтида ҳам Мақсуд Шайхзодани танимаган зиёлини учратмаган эдик. Оқтошда-ку ҳамма билар экан. Фахр тугья экан.

– Ўзбекистондан келдингларми? – деди бир киши. – Мақсуд Шайхзоданинг ўзбекларга нима алоқаси бор?!

У бизни шоир номи билан аталадиган мактабга бошлаб борди. Қумушранг бюст олдида суратга тўшиб, видео олаётганимизни бир ўткинчи аёл куза-



тиб, кимлигимиз билан қизиқди. Ўзи йўлқитирганини қаранг – Мақсуд Шайхзода уй-музейи ходими экан. Айтишича, мактаб оқрасидаги кўчада шоирнинг ота уйи бўлган. Музей дастлаб ўша ерда очилган, эски бино зилзилада кулаб тушган, бошқа манзилга кўчирилган.

– Мақсуд Шайхзодани қачондан бери биласиз? – деб сўрадим.

– Эсимни таниганимдан бери, – дея жавоб қилди.

– Хали ўқиш-ёзишни ўрганмасимиздан шоирни таниганимиз. Катталар унинг номини ҳурмат билан тилга оларди.

Мақсуд Шайхзоданинг отаси Озарбойжоннинг ғарбидида Қозоҳ вилояти Салоҳли туманидан бўлган, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Оқтош шаҳрига оилавий кўчиб келган. Булажак шоир 1908 йили шу ерда туғилган. Табиийки, юрт тақдирини оғир кунларни кўзи билан кўриб, юрагидан кечириб улғайган Мақсудда озодлик ғояси кучли эди.

Озарбойжон асрий сарҳадларидан чекина-чекина охири ҳозирги худудиди бўлса-да, иттифоқ таркибидида қарам субъект бўлса-да, бир давлат тузишни уddалагани тарихий ютуқ деб қабул қилиниши мумкин. Аммо халқ мағлубият аламига чидай олмай, курашчиларнинг янги-янги авлодини тарбиялашга киришади. Босқинчилар эса миллат гулларини ўриб битиришга қасд этади. Мақсуд Шайхзода ана шун-

дай қатағонларнинг бирида қўлга тушиб, унга сургун ҳукми ўқилади. Жазони ўташ учун манзил ташлаш имкони берилганида, маърифатли онаси Фотима-хонимнинг тавсиясига кўра Тошкентни танлайди. 20 ёшида Ўзбекистонга келган озар йигити “жиноят”дан иноят топиб, умрини эзгулик йўлига бағишлайди. Ўзбек адабиётига муносиб ҳисса қўшади. Бугун мактаб дарсликларимиздан мустаҳкам ўрин олган шоирни ҳеч ким бошқа миллат вакили деб билмайди. Ҳар йили миллионлаб ўқувчиларимиз унинг шеърларидан баҳраманд бўлади.

Эътибор қилинг, Мақсуд Шайхзоданинг шоҳ асарлари номига: “Жалолиддин Мангуберди” тарихий драмаси, “Тошкентнома” лирик достони, “Мирзо Улуғбек” трагедияси, яна ўнлаб тоза шеърлар... Айниқса, “Умрлар бўладики...”, “Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!” деб бошланувчи шеърлари эл аро машҳур. Мени эса “Искандарнинг шоҳи бор” деган халқ эртаги асосида дoston битишга шоирни нималар ундагани ўйлантиради кўпроқ. Жуда кўп ҳақиқатларни айтолмаслигини шу йўл билан изҳор этгандир, балки. Эҳтимол, руҳдош оғаси Ойбек иккиси овлоқ, кимсасиз гўшларда Ватан озодлигини орзулаб мириқиб-мириқиб гурунлар қилгандир. Икки халқ (аслида бир миллат) фарзандининг мумтоз адабиётимиз тарихи, хусусан, Алишер Навоий мероси, ўзбек халқ оғзаки ижоди борасидаги илмий изланишлари ҳам таҳсинга сазовор.

Энди айтинг, Мақсуд Шайхзодани сургун қилган советлар ўз мақсадида тўла маънода эриша олди-ми?! Уни Озарбойжондан узоқлаштирилганлиги билан барибир маслағидан қайтара билмадилар. Оқибатда 1950-йиллар қатағонига ҳам учради. Диктаторнинг ўлимидан сўнг яна Тошкентга қайтишга мушарраф бўлди. Шоир ҳаётдаги олий мақсадини ҳеч қачон унутгани йўқ. Курашдан ҳам тўхтамади, фақат курашиш усулини ўзгартирди, холос.

Кавказ озодлик ўрдуси сафига ихтиёрий ёзилган, кейин қардош халқ илм-фанига чин дилдан хизмат этган Холид Саид билан бугун моддият илминини Украина тупроқларида босқинчилар сафиди жанг қилаётганлар орасида ер ва осмонча фарқ бор. Маҳрумиятни муяссариятга айлантириб, умрининг қирқ йиллини қардош халқ адабиётига бахшида этган Мақсуд Шайхзода билан бугун моддият илминини миллат ва ватанга беписанд муомалада бўлаётган, кучлилар ҳисобига ўзлигидан тонаётганлар орасида ер ва осмонча фарқ бор. Шоир ёзганидек:

*Умрлар бўладики,
Тирик одам ўлиқдир,
Умрлар бўладики,
Ўлган одам тирикдир.*

**Фаррух ЖАББОРОВ,
“XXI asr” муҳбири**

Тошкент – Боқу – Оқтош

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАИТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирожддин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шўхрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Бюртма рақами: Г – 845
Адади: 5144
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 20:55

Тахририятга келган кўлёмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ